

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
НУКУС ФИЛИАЛИ**

ЭРНАЗАРОВ ДАНИЁР АЛИШЕРОВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДА УЧРАЙДИГАН
ҚОРАМОЛЛАР БАРМОҚЛАРАРО ДЕРМАТИТЛАРИНИ
(МОРТЕЛЛАРО КАСАЛЛИГИ) ФАРМАКОТЕРАПИЯСИ**

**16.00.04 - Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария
санитарияси, экологияси, зоогигиенаси ва ветеринар-санитария экспертизаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам

а - 14341

Эргазаров Дамир
Алишерович

Қорақалпақiston
respub. шайхитида
учрайдиган қора-
қалпақ борлеқлар
дерматити билан
(мортелларо касал-
лиги) фармакоме-
наниси.

2025

tion (PhD) on veterinary sciences

учрайдиган қорамоллар
о касаллиги)

.....3

(болезнь Мортелларо) у
тики каракалпакстан.....21

aro disease) in cattle in the
.....39

.....43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**


**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
НУКУС ФИЛИАЛИ**

ЭРНАЗАРОВ ДАНИЁР АЛИШЕРОВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДА УЧРАЙДИГАН
ҚОРАМОЛЛАР БАРМОҚЛАРАРО ДЕРМАТИТЛАРИНИ
(МОРТЕЛЛАРО КАСАЛИГИ) ФАРМАКОТЕРАПИЯСИ**

**16.00.04 - Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария
санитарияси, экологияси, зоогигиенаси ва ветеринар-санитария экспертизаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.4.PhD/V124 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ssvu.uz) ҳамда «Ziyou» ахборот таълим порталида (www.ziyouet.net) жойлаштирилган.

| | |
|---------------------|--|
| Илмий раҳбар: | Ниёзов Ҳаким Бақоевич ветеринария фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Салимов Юнус ветеринария фанлари доктори, профессор Юлдашев Соатбой Жиянбайевич тиббиёт фанлари номзоди, доцент |
| Етакчи ташкилот: | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси |

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019V.12.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил «08» 05 соат «15⁰⁰» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77- уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86; e-mail: ssvu@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 14391 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77- уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2025 йил «16» 05 кунни тарқатилди.
(2025 йил «16» 05 даги № 1 - рақамли реестр баённомаси)



Х.Б.Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгашчиси, биол.ф.д., профессор

С.Б.Эшбуриев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.д., доцент

Қ.Н.Норбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига нисбатан мунтазам ўсиб бораётган талабини қондириш ҳамда озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда қорамолларнинг туёқ ва бармоқ касалликлари энг катта тўсиқлардан бири бўлиб келмоқда. Шунингдек, ветеринария статистикаси қорамоллар орасида туёқ касалликларининг жуда кенг тарқалганлигини кўрсатади, бунинг оқибатида уларнинг мажбурий сўйилиши, репродуктив функциясининг бузилишидан кам бузоқ олиш ва сут маҳсулдорлигининг 35 % дан 65% гача камайишидан катта иқтисодий зарар келиб чиқади¹. Ҳозирги кунда бутун дунёнинг сутчилик фермаларидаги бармоқлараро дерматит муаммоси, Мортелларо яраси деб аталадиган патологияларни йил фасллари бўйича учраш даражаси, иқтисодий зарари, кечиш хусусиятлари ҳамда клиник белгиларини аниқлаш, фармакотерапевтик воситаларнинг самардорлигини ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Дунёнинг чорвачилик ривожланган мамлакатларида ҳозирга қадар маҳсулдор сигирларда бармоқлараро дерматитларининг келиб чиқиши, тарқалиши ва иқтисодий зарарини аниқлаш бўйича тизимли илмий тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамасдан ушбу касалликларга ўз вақтида ташхис қўйиш, самарали даволаш ва олдини олиш усуллари ҳамда фармакологик воситаларнинг таъсир механизми етарлича илмий асосланмаган. Ушбу патологияни барвақт ташхис усулини ишлаб чиқиш ва даволашда самардорлиги юқори бўлган дори воситаларини фармакотерапевтик хусусиятларини ўрганиш ва қўллаш орқали даволаш ҳамда олдини олиш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Республикамизнинг қорамолчилик хўжаликларига четдан келтирилган юқори маҳсулдор сигирлар орасида тарқалган туёқ касалликларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни мунтазам ўтказилиб борилаётганлигига қарамасдан, уларда бармоқлараро дерматитларнинг (Мортелларо касаллиги) учраш даражаси юқорилигича қолмоқда. Маҳсулдор сигирларда туёқлар патологиялари оқибатида маҳсулдорлик ва пуштдорликнинг кескин пасайиши ҳамда ветеринария харажатларининг ортисидан қорамолчиликга ихтисослашган чорвачилик хўжаликлари катта иқтисодий зарар кўрмоқда. Шу боисдан маҳсулдор қорамоллар бармоқлараро дерматитларини республикамизнинг ҳудудий иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда эртачи ташхислаш, самарали даволаш ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда маҳаллий дори воситаларини фармакотерапевтик таъсир механизминини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

¹ Руколь, В.М. Болезнь мортелларо // Животноводство России. — 2018. — №3 — С. 63—65.

стратегияси тўғрисида»²ги, фармони, 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2841-сон «Чорвачиликда икисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони. 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ ҳўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сигирлар бармоқларида йирингли-некротик жараёнлари: бармоқлараро дерматит, йирингли пододерматитлар, юмшоқ товон флегмонасининг сабаблари, ташхис, даволаш ва олдини олиш усуллари бўйича хорижий муаллифлардан М.В.Степьмухов, В.К.Якоб, В.А.Мищенко, Э.О.Сайтханов, В.В.Гимранов, В.М. Руколь, К.С.Савин, Н.И.Ярован, И.Ю.Быстрова, Х.З.Валитов, Э.И.Веремей, D. Dopfer, P.Hanna, H. Brentrup, B. F. Zemljic, V. Ledecy, F. J.Argaez-Rodriguez, A.Rodriguez-Lainz, M.W.McLennan, B.I.Козий, P.D.Katsoulos ва бошқалар, Республикамиз олимларидан Н.Ш.Давлатов, Ҳ.Б.Ниёзов, Б.Я. Нуриддинов ва Х.Эшқувватовлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Илмий манбалар маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Республикамизда маҳсулдор сигирларда бармоқлараро дерматитларни даволашда маҳаллий дори воситаларини фармакотерапевтик таъсир механизминини ўрганиш старлича илмий асосланмаган. Маҳаллий кон чўпи (чистотел) ва алоз дори воситаларини фармакотерапевтик хусусиятлари, қўллалиши ва уларни организмга таъсири илмий асосда ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали билан «Амир оқ чашма» МЧЖ ўртасида тузилган «Қорақалпоғистон Республикаси шароитида қорамолларда учрайдиган туёқ касалликларни келтириб чиқарувчи сабаблари, диагностикаси, даволаш усуллари ишлаб

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққий стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

чиқиш» мавзуси бўйича хўжалик шартномаси (05.10.2023 йил № 173) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: маҳсулдор сигирларда бармоқлараро дерматитларнинг учраш даражасини аниқлаш, ташхис усулини ишлаб чиқиш ва даволашда маҳаллий дори воситаларини фармакотерапевтик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

клиник диспансерлаш негизида Қорақалпоғистон Республикасининг қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликлари шароитида маҳсулдор сигирларда бармоқлараро дерматитларининг учраш даражаси ва сабабларини аниқлаш;

бармоқлараро дерматитларига ташхис усулини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш;

маҳаллий қон чўпи (чистотел) ва алоэ дори воситаларини фармакотерапевтик хусусиятларини ўрганиш ва қўллашни ишлаб чиқишда экспериментал ва клиник тадқиқотлар ўтказиш;

сигирларда бармоқлараро дерматитларини даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган тажрибалар ўтказиш;

сигирлар бармоқлараро дерматитларини маҳаллий қон чўпи (чистотел) ва алоэ дори воситалари билан даволашни хўжаликларга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикасининг қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликлари шароитида сақланаётган сигирлар, улардан олинган қон ва йиринг суюқлиги намуналари, қон чўпи (чистотел), алоэ экстракти, левомецетин, рифампицин ва стрептоцид препаратлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, сигирлар бармоқлари патологик жараёнларидан олинган йиринг рН кўрсаткичи, ундаги микроорганизмлар турлари, нисбий кўрсаткичлари ва микроорганизмларни дори воситаларига сезувчанлиги, қуён ва сигирларнинг клиник, қондаги морфологик ва биокимёвий кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мазкур диссертация ишини бажаришда клиник, қон намуналарини морфологик ва биокимёвий, микробларнинг сезувчанлигини аниқлашда бактериологик, дори воситаларининг фармакологик ҳамда математик-статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янглиги куйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикасининг қорамолчилик хўжалиқларидаги маҳсулдор сигирларда бармоқлараро дерматитларни (Мортелларо касаллиги) йил фасллари бўйича учраш даражаси аниқланган;

маҳсулдор сигирларда бармоқлараро дерматитларининг асосий сабаби механик шикастланишлар ва микроорганизмлар эканлиги илмий асосланган;

маҳаллий қон чўпи (чистотел) (*Chelidii herba*) ва алоэ дори воситаларини фармакотерапевтик яъни антисептик ва регенерация жараёнларини рағбатлантириш хусусиятларини ўрганиш орқали бармоқлараро дерматитларини даволашда дори воситаларини маълум миқдор ва тартиб

асосида қўллашга асосланган этиопатогенетик даволаш усули ишлаб чиқилган;

бармоқлараро дерматит билан касалланган сигирларни даволашда чистотелнинг 1:3 нисбатдаги сувли эритмаси, ҳамда 10 мл алоэ экстракти, 5 мл лидокаин гидрохлорид шимдирилган махсус тампон билан 2 г левомецетин, 0,6 г рифампицин, 2 г стрептоцид препаратларни қўллашга асосланган даволаш усули такомиллаштирилган ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикасининг қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликларидаги сигирларда бармоқлараро дерматитларни учраш даражаси ва келтириб чиқарувчи сабаблари аниқланган;

сигирларда клиник, қондаги морфологик ва биокимёвий ҳамда микробиологик текширишларга асосланган бармоқлараро дерматитларига эртаги ташхис усули ишлаб чиқилган;

маҳаллий қон чўпи (чистотел) ва алоэ дори воситаларини фармакотерапевтик хусусиятларини ўрганиш орқали бармоқлараро дерматитларини даволашда дори воситаларини маълум миқдор ва тартиб асосида қўллашга асосланган этиопатогенетик даволаш усули такомиллаштирилган;

бармоқлараро дерматитларида битиш жараёнини тезлаштириш учун дори воситаларини маълум миқдор ва тартиб асосида қўллашга асосланган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, бирламчи маълумотларга ишлов бериш ва амалий таҳлил қилиш, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар натижалари билан чуқур илмий таҳлил этилганлиги, мутахассислар томонидан илмий тадқиқотлар ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, илмий иш натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, маҳаллий қон чўпи (чистотел) ва алоэ дори воситаларини фармакотерапевтик хусусиятларини ўрганиш орқали препаратларни зарарсизлиги, ҳайвонларни клиник, гематологик текшириш натижалари таҳлил қилинганлиги, даволаш усулларининг самарадорлиги назарий ва амалий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ҳозирги вақтда қорамоллар орасида бармоқлараро дерматитларини фасллар бўйича учраш даражаси аниқланганлиги, касалликни даволашда маҳаллий препаратларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида сигирларнинг соғайиши 5-6 кунга қисқариши, сутнинг ўртача 6 литрга қўпайиши орқали фермер хўжаликларига етказилаётган катта иқтисодий зарарнинг олди олинганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикаси шароитида учрайдиган қорамоллар бармоқлараро дерматитларини фармакотерапияси бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Зотли сигирлар бармоқлараро дерматитларини (Мортелларо касаллиги) фармакотерапияси» бўйича тавсиялар (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 24 октябрь) ишлаб чиқилган ва ветеринария амалиётига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 8 ноябрдаги 33/01-05-959-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни қўллаш ҳисобига сигирлар бармоқлараро дерматитларни даволашда юқори самарадорликга эришилган;

махсулдор сигирларнинг бармоқлараро дерматитларида битиш жараёнини тезлаштириш мақсадида, водород пероксиднинг 3% ли эритмаси, чистотелнинг 1:3 нисбатдаги сувли эритмаси, алоэ экстракти 10 мл, лидокаин гидрохлорид 5 мл шимдирилган махсус тампон билан 2 г левомицетин, 0,6 г рифампицин, 2 г стрептоцид дори моддаларини қўллашга асосланган даволаш усули ишлаб чиқилган ва Қорақалпоғистон Республикасининг қорамолчилик фермер хўжалиқларига жорий қилинган. (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 8 ноябрдаги 33/01-05-959-сон маълумотномаси). Ушбу даволаш усулининг қўлланилиши натижасида касал ҳайвонларнинг 5-6 кун олдин соғайишига эришилган;

Ушбу даволаш мажмуа бошқа муқобил даволаш вариантларига қараганда энг самарали даволаш усули эканлиги аниқланиб, сарфланган бир сўмга ҳаражатлар қоплами 7,3 сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 5 та жумладан, 2 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, уларнинг 6 таси Республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида тадқиқотлар мавзусининг долзарблиги ва зарурляти, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация

бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предметлари, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янглиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг «Адабиёт маълумотларининг таҳлили» деб номланган биринчи боб уч қисмга бўлинган бўлиб, унинг биринчи «Йирик шохли ҳайвонларда бармоқлараро дерматит тарқалиши ва иқтисодий зарар» деб номланган қисмида сигирларда бармоқлараро дерматитларнинг тарқалиши ва улардан келиб чиқадиган иқтисодий зарар тўғрисида республикамиз ва дунё олимларининг илмий тадқиқот ишлари натижалари келтирилган. «Сигирларда бармоқлараро дерматитларни келтириб чиқарувчи этиологик омиллар ва диагностикаси» деб номланган иккинчи қисмида сигирларда бармоқлараро дерматитларнинг келтириб чиқарувчи омиллар, уларнинг кечиши ва ташхис усуллари тўғрисидаги илмий адабиётлар маълумотлари баён этилган. «Бармоқлараро дерматитларни даволаш ва олдини олишнинг замонавий усуллари» деб номланган учинчи қисмида сигирларда бармоқлараро дерматитларнинг самарали даволаш усуллари, даволаш воситаларининг дозалари, дори воситаларининг организмга таъсири, шунингдек касал ҳайвонларни даволаш, олдини олиш бўйича илмий-амалий ва назарий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Илмий тадқиқот ишлари 2022-2024 йиллар давомида Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали «Ветеринария медицинаси ва озиқ-овқат хавфсизлиги» кафедраси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат махсулотлари хавфсизлиги Давлат маркази «бактериология, паразитология ва микология» лабораторияси, «ATA-ANA» хусусий клиника лабораторияларида, Қорақалпоғистон Республикаси, Эллиққўса туманидаги «AMIR-OQ CHASHMA», Тахياتош туманидаги «ASHIRBOY OTA CHORVA», Нукус туманидаги «QONIRATBAY MEXRI» ва Қораўзак туманидаги «PANAEV FARMS» фермер хўжалиқларида ўтказилган.


Бармоқлараро дерматитни клиник белгиларининг хусусиятларини ўрганиш бевосита хўжалик шароитида амалга оширилди. Бармоқлараро дерматитда шикастланиш интенсивлигини баҳолаш Dopfer D. e. a., 1994 томонидан таклиф қилинган таснифга мувофиқ амалга оширилди, касалликнинг кечишини 4 хил boskichга (M1 - M4) бўлишдан иборат. M1 - кичик шикастланишлар (2 см дан кичик) қизил ёки оқ-қизил билан сирт, экссудация мавжуд, эпителий сақланиб қолиши мумкин ёки шикастланган бўлади. M2 - "классик яра", қизил ёки оқ-қизил диаметри 2 см дан ортиқ бўлган жароҳатлар, патологик жараён юзасида грануляция ёки пролифератив

тўқималар (кўп микдорда ёки филаментли). М3 - қоракўтир юзасига эга тузалаётган жароҳатлар. М4 -дискератоз ёки пролиферация жараёни билан тавсифланади.

Патологик жараёндаги клиник белгилар умумий ва махсус текшириш, яъни кўрик, пальпация, перкуссия, пассив ва айланма ҳаракат, юргизиб кўриш усуллари ёрдамида текширилди. Барча тажрибаларда қоннинг морфологик кўрсаткичларини Mindray-BC-20 автоматик гематологик анализатор ёрдамида, қон зардобдаги умумий оқсил ва албуминларни Mindray-BA-88A ярим автоматлашган геманализаторлари ёрдамида аниқланди.

Диссертациянинг «Сигирларда бармоқлараро дерматитларни келтириб чиқарувчи этиологик омиллар ва учраш даражаси» деб номланган учинчи бобнинг «Сигирларда бармоқлараро дерматитларни учраш даражаси» деб номланган биринчи қисмида сигирларда бармоқлараро дерматит билан касалланиш даражаси келтирилган.

Тадқиқотлар ҳамда бармоқлараро дерматитларни учраш даражаси ва клиник белгиларига оид илмий текшириш ишлари 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Эллиққалъа туманидаги “AMIR-OQ CHASHMA”, Тахياتош туманидаги “ASHIRBOY OTA CHORVA”, Нукус туманидаги “QONIRATBAY MEXRI” ва Қораўзак туманидаги “PANAEV FARMS” фермер хўжаликларида ўтказилди. Илмий изланишлар олиб борилган Қорақалпоғистон Республикаси туманлари хўжаликларидаги олинган натижаларни фасллар бўйича таҳлил қилганимизда киш ойларида хўжаликлардаги жами текширилган 854 бош хайвонларнинг 158 бошида (33,2%), баҳор фаслида 169 бошида (35,5%), ёз фаслида 28 бош (5,9%), куз фаслида эса 121 бошида (25,4%) хайвонларда бармоқлараро дерматит (Мортелларо касаллиги) кечаётганлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. Бармоқлараро дерматит жараёнларининг фасллар бўйича учраши.

Текширишлар шуни кўрсатдики, 2023-йилда Қораўзак туманидаги "PANAEV FARMS" фермер хўжалигидаги 206 бош сигирларда клиник-ортопедик текширилганда йил давомида 116 бош хайвонда бармоқларро дерматит турли босқичларда кечаётганлиги аниқланди ва ушбу хайвонлардаги бармоқларро дерматитни шикастланиш интенсивлиги даражаси бўйича таҳлил қилинганда касалликнинг М1- бошланғич босқичи 33 бош (28,4 %) сигирларда, касалликнинг М2-"классик яра", фаол ярали ўткир босқичи 47 бош (40,6 %) сигирларда, касалликнинг М3- қорақўтир юзасига эга битаётган жароҳатлар босқичи 26 бош (22,4 %) сигирларда ва касалликнинг М4- дискератоз ёки сурункали пролиферация жараёни босқичи эса 10 бош (8,6 %) сигирларда кузатилди. Ушбу бобнинг «Сигирларнинг бармоқларро дерматитларидан олинган намуналардаги микроорганизмлар турлари» деб номланган қисмида сигирларнинг бармоқларро дерматит жараёнлардан олинган намуналарда микробларнинг антибиотиклар ва бошқа дори воситаларига сезувчанлигини текшириш натижалари келтирилган.

Тадқиқотларимизда хўжалиқдаги бармоқларро дерматит билан касалланган 12 бош сигирларнинг патологик жараёнларидан олинган намуналар Петри косачалари озуқа мухитларида экилган микроблар колониялари текширилганда, стафилококкнинг 4 та, стрептококкнинг 5 та, эшерихия колинини 4 та, кўк йиринг таёқчанини 4 та протей ва энтерококкларнинг 3 тадан культуралари ажратиб олинди.

Микробларни антибиотиклар ва бошқа дори воситаларига сезувчанлигини аниқлаш мақсадида петри косачаларида ўсган микроблар колониясидан соф културани ажратиб олиш учун ҳар бир петри косачаларидан бир дона калонияни олиб 1:10 нисбатда 0.9% физиологик эритмада суюлтириб экилди ва антибиотик ва бошқа дори воситалари шимдирилган дисклар жойлаштирилиб термостатга қўйилди. Термостатдан петри косачалари олинганда дисклар атрофида зоналар ҳосил бўлганлиги қайд қилинди. Ҳосил бўлган зоналар чизғич ёрдамида ўлчанганда чистотелнинг 1:3 нисбатдаги сувли эритмаси шимдирилган дискларда стафилакокк 29 мм ни, стрептококк 27 мм ни, эшерихия коли 26 мм ни, протей 29 мм ни, энтерококклар 29 мм ни, кўк йиринг таёқча 27 мм ни ташкил этган бўлса, алоэ экстракти шимдирилган дискларда стафилакокк 26 мм ни, стрептококк 24 мм ни, эшерихия коли 26 мм ни, протей 27 мм ни, энтерококклар 24 мм ни, кўк йиринг таёқча 23 мм ни ташкил этди. Шўнга ўхшаш левомицетин шимдирилган дискларда стафилакокк 27 мм ни, стрептококк 26 мм ни, эшрихи коли 24 мм ни, протей 20 мм ни, энтерококклар 26 мм ни, кўк йиринг таёқча 22 мм ни ташкил этди. Рифампицин шимдирилган дискларда стафилакокк 28 мм ни, стрептококк 27 мм ни, эшерихия коли 26 мм ни, протей 27 мм ни, энтерококклар 26 мм ни, кўк йиринг таёқча 22 мм ни ташкил этди. Стрептоцид шимдирилган дискларда стафилакокк 26 мм ни, стрептококк 25 мм ни, эшерихия коли 24 мм ни, протей 23 мм ни, энтерококклар 24 мм ни, кўк йиринг таёқча 24 мм ни ташкил этди, ва левамикол мази шимдирилган дискларда стафилакокк 27 мм ни, стрептококк 26 мм ни, эшерихия коли 24 мм ни, протей 20 мм ни, энтерококклар 26 мм ни,

кўк йиринг таёқча 24 мм ни ташкил этди. Ушбу бобнинг «Клиник кўрсаткичлар» деб номланган қисмида сигирлар бармоқ соҳасидаги турли йирингли-некротик жараёнларнинг клиник кўрсаткичлари ёритилган бўлиб, бармоқлараро дерматит билан касалланган сигирлар патологик ўчоқларининг айримларида эпителий сақланиб қолган ва айримларида эса шикастланган, М1-бошланғич босқичи кичик чегараланган қизгиш рангдан кулранггача эпителия нуқсони бўлиб нуқсоннинг ўлчами 2 см дан кичикроқ бармоқ дерматитининг М2- фаол ярали ўткир босқичларидаги энг кичик диаметри ўлчамига тенг ҳисобланади.

Бармоқлараро дерматитининг бошланғич босқичида патологик жараён ривожланаётган жой қизариб кетган, чегараланган майдон ҳосил бўлиб, одатда кафтнинг плантар томонидаги бармоқлараро ёриқнинг тепасида жойлашган бўлиб, бу дерматитнинг қулупнайсимон шаклидир. Бармоқ дерматитининг энг даҳшатли оқибатли ҳолати бу сигирга оғрик даражасининг юқори бўлиши билан ажралиб туради.

М2 - "классик яра", ўткир, фаол ярали (ёркин қизил) ёки грануломатоз (қизил-кулранг) шикастланган тери диаметри 2 см дан катта бўлган жароҳатлар, жароҳатнинг юзаси грануляция ёки пролифератив тўқима (кўп миқдорда ёки филаментли) билан қопланган, одатда туёқлар атрофида, шунингдек, туёқ айланаси чизиги бўйлаб, туёқ девори ёриқлари атрофида ва вақти-вақти билан алоҳида нуқсон сифатида кузатилди.

Бармоқ дерматитининг кейинги босқичларида қорайган кератиннинг папилломид проекциялари сиртдан 10-15 мм гача етади ва бу тукли сўғал босқичини ифодалайди. Одатдаги жароҳатлар орқа оёқлардан ташқари барча оёқда кузатилди. Терининг жойлашуви ва даражаси ўзгарувчан бўлиб, интердигитал терини, туёқ айланаси чизигини ўз ичига олмайдиган бармоқлараро ёриқнинг олд ва орқа кирраларини аниқ жароҳатларини ўз ичига олади.

М3 даволашдан кейин 1-2 кун ичида қорақўтир юзасига эга битаётган жароҳатлар босқичи, бу ерда ўткир бармоқлараро дерматит нуқсонлари турли ўлчамдаги оғриксиз, жароҳат юзаси одатда қаттиқ жигарранг -кулранг, яшил-кўк ёки қора қаттиқ қора қўтирга ўхшаш тўқима билан қопланган. Патологик ўчоқдаги яралар эгилган қизил-сарик доғлар кўринишдаги қулупнайга ўхшайди. Улар асосан бармоқ ва туёқларнинг орқа (палмар ёки плантар) юзасида, оёқ бармоқлари орасида, туёқ айланаси параметри бўйлаб, рудимент бармоқлар пастиди ва шохли капсула остининг олд томонда жойлашган.

М4 дискератотик ёки гиперкератотик аниқ белгиланган чегараларга эга, сурункали яллиғланишлар бўлиб, асосан эпителия қалинлашган, гиперкератоз ва жигарранг-кулранг рангдаги нотекис пролифератив ўсмалар кузатилди. Проллиферациялар ипсимон, қорақўтир ёки массали кўринишда намоён бўлди. Ҳайвонларда патологик ўчоқ турли ўлчамдаги оғриксиз ва механик таъсиротлар оқибатида патологик ўчоқдаги яралардан қон кетаётганлиги кузатилди. Патологик ўчоқдан ажралиб чиқаётган йирингли экссудат ўзига хос ёмон ҳидга эга. Патологик ўчоқлар яраларининг диаметри 5 см бўлиб,

жигарранг ёки кулранг-қора рангли тутамлар узун сочларга ўхшаш ўсмалар уларни ажратиб турибди, шаклланган тутамлар сўгалларга ўхшайди.

Диссертациянинг «Чистотел, алоэ экстракти, левомецетин, рифампицин, стрептоцид препаратларининг фармакотерапевтик хусусиятларини ўрганиш ҳамда қўллашни ишлаб чиқишда экспериментал ва клиник тадқиқотлар» деб номланган тўртинчи бобининг «Чистотел ва алоэ экстракти препаратларининг яллиғланиш жараёнига таъсири» деб номланган қисмида оқ сичқонларларга сунъий хосил қилинган яллиғланишларни даволашдан кейинги клиник кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, яллиғланиш жараёнига чистотел, алоэ экстрактининг таъсир этишига аниқлик киритиш учун, тана вазни 22-26 г бўлган 18 бош лаборатория ҳайвонларидан ҳар бирида 3 бошдан оқ сичқонлар бўлган 6 та гуруҳ тузилди: шундан 4 таси таъриба ва 2 таси назорат гуруҳи. Бел соҳасида депиляциядан кейин биринчи ва иккинчи гуруҳ ҳайвонларига уч томчи ксилол томизилди, дерматит қақариш мақсадида шиша таёқча билан икки дақиқа давомида терига суртилди. Худди шу кун, бир соатдан кейин ва кейинги кунларда ксилол билан ишлов берилган 10 мм диаметрли тери майдонига биринчи гуруҳга чистотелнинг 10% ли малҳами ва иккинчи гуруҳга эса 10% ли алоэ малҳами қўлланилди.

Учинчи ва тўртинчи таъриба гуруҳ ҳайвонларига эса, бел соҳасига депиляциядан кейин 50-60°C гача қиздирилган метал таъсирида терида диаметри 10 мм бўлган куйиш қақирилди. Худди шу кун, бир соатдан кейин ва кейинги кунларда терининг таъсирланган жойига учинчи гуруҳга чистотелнинг 10% ли малҳами ва тўртинчи гуруҳга 10% ли алоэ малҳами қўлланилди.

Назорат вазифасини бажарувчи 5-гуруҳ ҳайвонларида бел соҳасига уч томчи ксилол томизилди, дерматит қақариш мақсадида шиша таёқча билан икки дақиқа давомида терига суртилди. Худди шундай 6-гуруҳ ҳайвонларига ҳам бел соҳасига депиляциядан кейин 50-60°C гача қиздирилган метал таъсирида терида диаметри 10 мм бўлган куйиш қақирилди. Ушбу 5 – ва 6 чи назорат гуруҳлардаги ҳайвонларда даволаш муолажалари бажарилмади Биринчи ва иккинчи таъриба гуруҳидаги ҳайвонларда, биринчи кун давомида шишсиз енгил гиперемия қайд этилди, таърибанинги иккинчи ва кейинги кунларида кимёвий моддалар таъсирида бўлган терида яллиғланиш белгилари қайд этилмади. Шу билан бирга, 5 гуруҳ ҳайвонларида эса биринчи 24 соат давомида терига кимёвий таъсир қилиш жойларида гиперемия ва шиш аниқланди, характерли клиник белгилар 6-10 соат ўтгач аниқланди. Иккинчи кунда терининг шикастанган жойида яллиғланишнинг аниқ характерли клиник белгилари (гиперемия, шиш, маҳаллий ҳароратнинг ошиши, оғрик) кузатилди.

Учинчи ва туртинчи таъриба гуруҳ ҳайвонларида, биринчи кун давомида куйиш таъсиридан кейин терининг гиперемияси ва шикастанган жойида худудда енгил шиш аниқланди. Иккинчи кун яллиғланиш белгилари йўқолди; 8-9 кунларига келиб куйиш белгилари ҳам кузатилмади. Шунга

ўхшаш 6 гуруҳ ҳайвонларида ҳам 2-3 соат ўтгач, куйиш таъсирида гиперемия, оғрик, маҳаллий ҳароратнинг ошиши ва терида шиш аниқланди. Кейинги 12 соат ичида яллиғланиш жараёнлари ривожланиб, иккита ҳайвонда сероз пуфакчалар пайдо бўлди. Куйишдан бир кун ўтгач, кучли шиш пайдо бўлди. Кейинчалик вақт ўтиши билан экссудатив жараёнлар пасайди, 3-5-кунига келиб куйган жойларда некротик учоклар кузатилди, 12 кунларда некротик ўчоклардан кора кўтир кўчиб туша бошлади. Олинган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, қўлланилган препаратлар яллиғланишга қарши таъсирга эга ва уларни патологик жараёнларни даволашга қўллаш имконини беради.

Тўртинчи бобнинг «Алоэ экстракти ва чистотел препаратларининг тери-мушак жароҳатларининг регенератив кечишига таъсири» деб номланган қисмида чистотел ва алоэ экстракти тери-мушак жароҳатларининг регенератив кечишига таъсири қайд қилинган бўлиб, олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, чистотел ва алоэ экстрактининг тери-мушак жароҳатларининг регенератив кечишига таъсирини ўрганиш мақсадида тана вазни 20-25 г бўлган 15 та оқ сичқонларда экспериментал равишда ҳосил қилинган инфекцияланган жароҳат жараёнлари ҳар гуруҳда 5 бошдан оқ сичқонлари бўлган 2 та тажриба ва 1 та назорат гуруҳларида қийёсий жиҳатдан ўрганилди. Уларга мушак-тери жароҳатлари асептик қондаларга риоя қилмасдан ҳосил қилинди. Барча ҳайвонларнинг бел томонидан эҳтиёткорлик билан 2x2 см майдонни жуни олинди. Кейин трафаретдан фойдаланган ҳолда диаметри 10 мм бўлган жароҳатнинг контурини белгилаб олиб ва кўз қайчиси билан тери ва мушак бўлакчаси кесиб олинди.

Худди шу кун, бир соатдан кейин ва кейинги кунларда биринчи тажриба гуруҳидаги сичқонларнинг диаметри 10 мм бўлган жароҳатига чистотелнинг 10 % ли малҳами ва иккинчи гуруҳидаги сичқонларнинг жароҳатига эса 10 % ли алоэ малҳами қўлланилди ва назорат гуруҳидаги сичқонларнинг жароҳатига 70 % ли спирт билан даволанди. Шундан сўнг, жароҳатлар дока салфетка билан копланди, унинг устига дока бўлаги қўйилди ва унинг кирралари ҳайвоннинг жунига қалин коллодия билан ёпиштирилди.

Экспериментал жароҳатларнинг битиш жараёни куйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланди: жароҳатда грануляция пайдо бўлиш вақти, жароҳатнинг тубининг грануляция билан тўлиши, грануляциянинг сифати, эпителизация жараёни, жароҳат атрофи тўқималарининг ҳолати. Кузатишлар шуни кўрсатдики, биринчи тажриба гуруҳидаги сичқонларда жароҳатнинг битиши яъни жароҳатнинг грануляция билан тўлиши, унинг атрофида гиперемия, шиш ва оғриқнинг йўқолиши, чандик ҳосил бўлиши билан эпителизация ҳосил бўлиши тажрибанинг 12 кунида намоён бўлди. Иккинчи тажриба гуруҳидаги сичқонларда эса жароҳатнинг битиши яъни жароҳатнинг грануляция билан тўлиши, унинг атрофида гиперемия, шиш ва оғриқнинг йўқолиши, чандик ҳосил бўлиши билан эпителизация ҳосил булиши тажрибанинг 11 кунида намоён бўлди. Назорат гуруҳидаги ҳайвонларда жароҳат атрофида гиперемия, шиш ва оғриқнинг йўқолиши, чандик ҳосил бўлиши билан эпителизация ҳосил бўлиши тажрибанинг 15 кунида намоён бўлди.

Олинган маълумотлар чистотелнинг 10 % ли малҳами ва 10 % ли алоэ малҳами регенератив жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади, уларни рабтаблантиради деган хулосага келишимизга имкон беради.

Тўртинчи бобнинг «Чистотел, алоэ экстракти, левомицетин, рифампицин ва стрептоцид препаратларининг фармакотерапевтик хусусиятлари» қисмида куёнларнинг бармоқларида сигирлардан ажратиб олинган соф културани патогенлигини аниқлаш ҳамда ҳосил бўлган йирингли жараёнларни фармакотерапиясини ўрганишга қаратилган натижалар баён этилган. Тадқиқотлар учун тана вазни 2,0-2,5 кг бўлган 20 бош куёнларда ҳар бирига 5 бошдан экспериментал равишда ҳосил бўлган йирингли жараёнларни 3 та тажриба ва 1 та назорат гуруҳларида қиёсий жиҳатдан ўрганилди. Барча гуруҳдаги куёнларга ажратиб олинган соф културадан 0,2 мл бармоқларининг тери остига юборилди.

Биринчи тажриба гуруҳидаги куёнларини даволаш мақсадида жароҳат атрофи механик тозаланиб йиринг ва ўлган тўқималарни хирургик йўл билан олиб ташланди, 3 % ли водород пероксид билан ювилди ва чистотелнинг 1:3 нисбатдаги сувли эритмаси ҳамда левомицетин 0.5 г., рифампицин 0.3 г., стрептоцид 0.5 г препаратлар комбинацияси ва 3 мл алоэ экстракти, 2 мл лидокаин гидрохлорид шимдирилган махсус тампонлар қўлланилди. Иккинчи тажриба гуруҳидаги куёнларини даволаш мақсадида жароҳат атрофи механик тозаланиб йиринг ва ўлган тўқималарни хирургик йўл билан олиб ташланди, 3% ли водород пероксид билан ювилди ва чистотелнинг 1:3 нисбатдаги сувли эритмаси ҳамда левомицетин 0.5 г., рифампицин 0.3 г., стрептоцид 0.5 г препаратлар комбинацияси қўлланилди. Учинчи тажриба гуруҳидаги куёнларини даволаш мақсадида жароҳат атрофи механик тозаланиб йиринг ва ўлган тўқималарни хирургик йўл билан олиб ташланди, 3% ли водород пероксид билан ювилди ва левамикол мази билан 0.5 г стрептоцид кукини қўшиб боғлаб қўйилди. Ҳар бир гуруҳ алоҳида катакларда сақланди.

Ушбу бобнинг «Куёнларнинг клиник кўрсаткичлари» деб номланган қисмида куёнларнинг сигирлардан ажратиб олинган соф културани патогенлигини аниқлаш ҳамда ҳосил бўлган йирингли жараёнларни фармакотерапиясини ўрганиш мақсадида қўлланилгандан кейинги клиник кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, ушбу тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, чистотелнинг 1:3 нисбатдаги сувли эритмаси ҳамда левомицетин, рифампицин, стрептоцид препаратлар комбинацияси ва алоэ экстракти, лидокаин гидрохлорид шимдирилган махсус тампонлар қўлланилган экспериментал равишда ҳосил қилинган йирингли жароҳатларнинг куён моделидаги жароҳатини даволашни тезлаштирди. Даволашда чистотелнинг 1:3 нисбатдаги сувли эритмаси ҳамда левомицетин,


рифампицин, стрептоцид препаратлар комбинацияси ва алоэ экстракти, лидокаин гидрохлорид шимдирилган махсус тампонлар қўлланилган гуруҳларда назорат гуруҳига нисбатан коллаген концентрациясининг кўпайишини, респителиализациянинг кучайишини, жароҳатнинг тезроқ ёпилишини ва яхшиланган неоваскуляризацияни кўрсатди. Ушбу олинган натижалар чистотел ва левомецетин, рифампицин, стрептоцид, алоэ экстракти, лидокаин гидрохлорид комбинацияси жароҳатни даволашни рағбатлантириш учун терапевтик восита сифатида ишлатилиши мумкинлигини кўрсатади.

Олинган маълумотлардан хулоса қилиш жонзки, қўлланилган препаратлар яллиғланишга қарши таъсирга эга эканлиги, регенератив жараёнларга ижобий таъсир кўрсатиши ва уларни рағбатлантириши, йирингли яллиғланиш жараёнларини даволашга қўллаш имконини беради.

Диссертациянинг ушбу бобининг «Сигирларда бармоқлараро дерматитни даволашнинг комплекс усулининг терапевтик самарадорлигини ўрганиш» қисмида сигирларнинг бармоқлараро дерматит жараёнларини даволаш натижалари баён этилган.

Тажрибалар учун Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани «QONIRATBAU MEXRI» қорамолчилик фермер хўжалигидан клиник ортопедик текширишлар натижасида бармоқ соҳасида бармоқлараро дерматит кечаётган, тана вази 550-650 кг ва ёши 3 ёшдан 4 ёшгача бўлган 20 бош голштин зотли сигирлар ажратиб олинди. Ўхшаш жуфтликлар тамойили асосида ҳар бирида 5 бошдан ҳайвонларнинг 3 та тажриба ва 1 та назорат гуруҳлари тузилди. Озиклантириш ва саклаш шароитлари бир-биридан фарқ қилмади.

Ушбу бобнинг «Қорамолларнинг клиник кўрсаткичлари» деб номланган қисмида сигирларни даволаш муолажалари қўлланилгандан кейинги клиник кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, таъкидлаш жонзки, бармоқлараро дерматитнинг клиник белгилари бевосита касаллик даражасига ва шикастланиш интенсивлигига қараб клиник белгиларини намоён қилди ҳамда тузалиш вақти ҳам бир-биридан кескин фарқ қилди яъни биринчи гуруҳ бармоқлараро дерматитнинг М1, М3 ва М4 босқичи жараёни кечаётган ҳайвонларида даволаш муолажалари 12 кунни, касалликнинг М2-"классик яра", фаол ярали ўткир босқичи кечаётган ҳайвонларида даволаш муолажалари 15 кунни ташкил этган бўлса, иккинчи гуруҳда бармоқлараро дерматитнинг М1, М3 босқичда 14 кунни ва М4 босқичида 14 кунни ҳамда касалликнинг М2-"классик яра", фаол ярали ўткир босқичи кечаётган ҳайвонларида даволаш муолажалари 17 кунни ташкил этди. Шунга ўхшаш учинчи тажриба гуруҳида даволаш муолажалари бармоқлараро дерматитнинг М1, М3 босқичда 15 кунни ва М4 босқичида 16 кунни ҳамда касалликнинг М2-"классик яра", фаол ярали ўткир босқичи кечаётган ҳайвонларида эса 19 кунни ва тўртинчи назорат гуруҳида эса даволаш муолажалари бармоқлараро дерматитнинг М1, М3 босқичда 15 кунни ва М4 босқичида 16 кунни ҳамда касалликнинг М2-"классик яра", фаол ярали ўткир босқичи кечаётган



хайвонларда ўртача 20-21 кунни ташкил этди. Барча тажриба ва назорат гуруҳидаги хайвонларнинг бармоқ ва туёқларидаги морфологик ва физиологик функцияларининг тўлиқ тикланиши даволаш тугатилганидан кейин қайд қилинди.

Даволашда чистотелнинг 1:3 нисбатдаги сувли эритмаси ҳамда левомецетин, рифампицин, стрептоцид препаратлар комбинацияси ва алоэ экстракти, лидокаин гидрохлорид шимдирилган махсус тампонлар қўлланилган гуруҳларда жароҳатнинг тезроқ ёпилиши ва ушбу препаратларнинг микробларга қарши ва яллиғланишга қарши хусусиятларига эга эканлигидан далолат бўлиши мумкин. чистотел, левомецетин, рифампицин, стрептоцид комбинацияси ва алоэ экстракти, лидокаин гидрохлорид комбинациясидаги препаратлар кенг қўламли бактерияларнинг ўсишига таъсир кўрсатиб, жумладан жароҳатларда тез-тез учрайдиган тилло стафилоккок ва кўк йиринг таёқчасига ҳам таъсир кўрсатиши аниқланди. Жароҳат ичидаги бактериал юкни камайтириш орқали чистотел, левомецетин, рифампицин, стрептоцид ва алоэ экстракти, лидокаин гидрохлорид комбинациясидаги препаратлар тўқималарнинг янгилиниши учун қулай муҳит яратади ва жароҳат битишига халақит берадиган яллиғланиш фазасининг узайишини олдини олади

Тўртинчи бобнинг «Қорамолларнинг гематологик кўрсаткичлари.» деб номланган қисмида сигирларда бармоқлараро дерматитни даволашда умум қабул қилинган усулларга қўшимча чистотелнинг 1:3 нисбатдаги сувли эритмаси 5 мл ҳамда левомецетин 2 г., рифампицин 0.6 г., стрептоцид 2 г препаратлар комбинацияси ва 10 мл алоэ экстракти, 2 % ли 5 мл лидокаин гидрохлорид дори моддалари шимдирилган махсус тампонлар қўлланилган биринчи гуруҳдаги хайвонлар қонидаги эритроцитлар миқдори тажрибанинг 5-кунда 2,3 % га ошиб, тажрибанинг охирига келиб кўпайиш дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 8,2 % ни ташкил этди.

Бу гуруҳдаги сигирлар қонида лейкоцитлар миқдори тажрибанинг 5-кунда 7,9 % га камайиб борди, тажрибанинг 10-кунда 10,1 % га ва тажриба охирида эса 32,4% га камайганлиги қайд этилди. Гемоглабин миқдорининг ўзгариши эритроцитлар сонининг ўзгаришига ўхшаш бўлиб, тажрибанинг 5-кунда 5,5 % га ва тажрибанинг 10 кунда 9,5 % га кўпайган бўлса, кейинчалик яъни текширишларнинг 20- кунда унинг миқдори 18 % га ошганлиги намойён бўлди. Биринчи тажриба гуруҳидаги сигирларда қондаги эритроцитлар чўкиш тезлиги тажриба бошига нисбатан 5-кунда 5 % га камайган бўлса, тажрибанинг 10 кунда 14 % ва 20-кунда эса 18 % га камайганлиги қайд этилди. Даволаш давомида тажрибадаги хайвонларда қоннинг морфологик кўрсаткичларининг тез тикланиши, хусусан эритроцитлар ва гемоглобин миқдорларини ошиши шикастланган тўқималарда ёки умуман организмда оксидланиш-қайтарилиш жараёнларининг жадал кўтарилишидан далолат беради, лейкоцит миқдорининг ва эритроцитларнинг чўкиш тезлигининг тажриба давомида камайиб бориши ушбу хайвонларда ретикулоэндотелиал системасининг барқарорланишидан далолат берди.

Тадқиқотларимизда касалланган сигирлар қонида моноцитлар сонининг камайиши, мумкин уларни иммунитетни стимуллаш жараёнида актив фагоцитар хусусиятини намоён қилиб нобуд бўлиши билан изоҳланади. Касал ҳайвонларга даволаш муолажалари қўлланилгандан кейин улар организмдаги физиологик жараёнлар яхшилана бошлаши билан моноцитлар сонининг кўпайганлиги қайд этилди.

Биринчи тажриба гуруҳи ҳайвонларида қон зардобининг биокимёвий кўрсаткичлари текширилганда, тажрибанинг 5-кунида умумий оксил миқдори 2,9 % га, тажрибанинг 10-кунида эса 6,5 % га ошган бўлса, тажриба охирида тажриба бошидаги кўрсаткичларга нисбатан 10,1% га кўпайганлиги кузатилди. Тажриба давомида қон зардобидидаги альбуминлар миқдори тажрибанинг 5-кунида 6,9 % га, тажрибанинг 10-кунида эса 15 % га кўпайган бўлса, тажриба охирида тажриба бошидаги кўрсаткичларга нисбатан 19,3% га кўпайганлиги аниқланди.

Текширишлар асосида бармоқ соҳасида бармоқлараро дерматитни даволашда, биринчи тажриба гуруҳидаги сигирларда қон зардобидида умумий оксил миқдори даволаш ишлари бошлангунга қадар 10,1 % га кам бўлиши, организмда моддалар алмашинувини мўтадиллашуви билан боғлиқ бўлиб, бунда ҳайвонларда организмнинг сувсизланиши ва қоннинг қуюқлашишига сабаб бўлади.

Касал ҳайвонларга даволаш муолажалари қўлланилгандан кейин улар организмдаги физиологик жараёнлар яхшилана бошлаши билан оксил миқдорининг кўпайганлиги қайд этилди. Таъкидлаш лозимки, бармоқ соҳасида бармоқлараро дерматит билан касалланган сигирлар даволангунга қадар улар қон зардобидидаги албуминлар миқдорларининг 19,3 % га кам бўлиши, маълумки организмда актив иммун ҳимоя жараёнига катта миқдорда сарфланадиган оксил миқдорига боғлиқ бўлиб, даволаш муолажалари қўлланилгандан кейин улар миқдорининг кўпайиши кузатилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа, Тахياتош, Нукус ва Қораўзак туманлари шароитида сигирларда бармоқлараро дерматит (Мортелларо касаллиги) билан мавсумий касалланиш даражаси ўртача 5,9 - 35,5 % ни, шу жумладан, ёзда 5,9 %, кузда 25,4 %, кишда 33,2 % ва баҳорда 35,5 % ни ташкил этиши аниқланди.

2. Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзак туманидаги "PANAEV FARMS" хўжалигидан жами 206 бош ҳайвонлар текширилганда касалланган ҳайвонлар 116 бош қайд қилиниб, шундан касалликнинг М1- бошланғич босқичи 33 бош (28,4 %) ни, касалликнинг М2-"классик яра", фаол ярали ўткир босқичи 47 бош (40,6 %) ни, касалликнинг М3- қорақўтир юзаси мавжуд битаётган жароҳатлар босқичи 26 бош (22,4%) ни ва касалликнинг М4- дискератоз ёки сурункали пролиферация жараёни босқичи эса 10 бош (8,6%) ни ташкил этиши аниқланди.

3. Бармоқлараро дерматитни келиб чиқишида ҳайвонлар учун моционни етишмаслиги, яйратиш майдонларида санитария-гигиеник ҳолатининг меъёр даражасида эмаслиги ва шикастланишлар натижасида организм резистентлигининг пасайиши ҳамда шикастланган жойда стафилакокк, стрептококк, эшерихия коли, протей, кўк йиринг таёқча, энтерококк ва трепонемаларнинг ривожланиши сабаб бўлиши аниқланди.

4. Чистотелнинг 10 % ли малҳами ва 10 % ли алоэ малҳами сичқонларда сунъий равишда чақирилган яллиғланиш ва жароҳатларини даволашда қўлланилганда яллиғланишга қарши таъсирга эга эканлиги ҳамда респителизациянинг кучайтириши тадқиқотларда аниқлади.

5. Чистотелнинг 1:3 нисбатдаги сувли эритмаси ҳамда левомецетин, рифампицин, стрептоцид препаратлар комбинацияси ва алоэ экстракти, лидокаин гидрохлорид куёнларга сунъий равишда чақирилган йирингли яллиғланиш жараёнларини даволашда қўлланилганда яллиғланишга қарши таъсирга эга эканлиги, регенератив жараёнларга ижобий таъсир кўрсатиши ва уларни рағбатлантириши, йирингли яллиғланиш жараёнларини даволашда қўллаш имконини беради.

6. Бармоқлараро дерматитнинг шикастланиш интенсивлиги даражаси бўйича М1 босқичида - кичик шикастланишлар (2 см дан кичик) юзаси қизил ёки оқ-қизил грануляция билан қопланганлиги, М2 босқичида – “классик яра”, қизил ёки оқ-қизил диаметри 2 см дан ортик, патологик жараён юзасида грануляция тўқималари, М3 босқичида - қорақўтир юзасига эга тузалаётган жароҳатлар, М4 босқичида эса дискератоз ёки пролиферация жараёни кузатилди.

7. Тавсия этилаётган даволаш усули қўлланилганда дастлабки кўрсаткичга нисбатан сигирлар қонидаги эритроцитлар сонини 5,1-5.52 млн/мкл (8,2%) га, ва гемоглобин миқдорини 99,8-117,8 г/л (18%) га, қон зардобидаги умумий оксил миқдорини 60,84-67,44 г/л (10,1%) га, альбуминлар миқдорини 27,18-32,44 г/л (19,3%) га кўпайиши ҳамда лейкоцитлар сонининг 10,48-8.14 минг/мкл (22,4 %) га камайганлиги аниқланди.

8. Сигирларда бармоқлараро дерматитларни даволашда 5 мл чистотелнинг 1:3 нисбатдаги сувли эритмаси ҳамда 2 г левомецетин, 0,6 г рифампицин, 2 г стрептоцид препаратлар комбинацияси ва 10 мл алоэ экстракти, 2 % ли 5 мл лидокаин гидрохлорид дори моддалари шимдирилган махсус тампонларни жароҳатга биргаликда қўллаш, касал ҳайвонларнинг соғайишини 5-6 кунга қисқартирди ва иктисодий самара ҳар бош сигир ҳисобига 1585008 сўмдан иктисодий самара олиш имконини берди ва бунда ҳаражатлар қоплами 7,3 сўмни ташкил этди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И
БИОТЕХНОЛОГИЙ**

**НУКУССКИЙ ФИЛИАЛ САМАРКАНДСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ВЕТЕРИНАРНОЙ
МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И БИОТЕХНОЛОГИЙ**

ЭРНАЗАРОВ ДАНИЁР АЛИШЕРОВИЧ

**ФАРМАКОТЕРАПИЯ МЕЖПАЛЬЦЕВОГО ДЕРМАТИТА (БОЛЕЗНЬ
МОРТЕЛЛАРО) У КРУПНОГО РОГАТОГО СКОТА В УСЛОВИЯХ
РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН**

**16.00.04 –Ветеринарная фармакология и токсикология. Ветеринарная
санитария, экология, зоогигиена и ветеринарно–санитарная экспертиза**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ВЕТЕРИНАРНЫМ НАУКАМ**

Самарканд – 2025

Тема диссертации на степень доктора философии (PhD) по ветеринарным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2024.4.PhD/V124.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Нукусском филиале Самаркандского государственного университета ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ssuu.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: **Нижёв Хаким Бакович**
доктор ветеринарных наук, профессор

Официальные оппоненты: **Салимов Юнус**
доктор ветеринарных наук, профессор
Юлдашев Соатбой Жиянбаевич
кандидат медицинских наук, доцент

Ведущая организация: **Комитет ветеринарии и развития животноводства**

Защита состоится «28» 05 2025 г. в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.06/30.12.2019.V.12.01 по присуждению ученых степеней при Самаркандский государственный университет ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий (Адрес: 140103, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 77, Тел.: (99866) 234-76-86; e-mail: ssuu@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандский государственный университет ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий (зарегистрирована за № 14341) (Адрес: 140103, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 77., Тел./ факс: (99866) 234-76-86, e-mail: ssuu@edu.uz).

Автореферат разослан «16» 05 2025 г.
(протокол рассылки № 1 от «16» 05 2025 г.)



Х.Б.Юнусов
Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.биол.н., профессор

С.Б.Эшбурнев
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.вет.н., доцент

К.Н.Норбоев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученой степени, д.вет.н.,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Болезни копыт и пальцев крупного рогатого скота являются одним из крупнейших препятствий в удовлетворении постоянно растущего спроса населения на продукцию животноводства а также обеспечении продовольственной безопасности на мировом уровне. Также ветеринарная статистика показывает, что среди крупного рогатого скота очень широко распространены заболевания копыт, в результате чего возникает огромный экономический ущерб из-за его вынужденного убоя, низкого отела из-за нарушения репродуктивной функции, снижения удоев с 35% до 65%¹. В настоящее время, в молочных фермах всего мира, большое научное и практическое значение имеет определение проблемы межпальцевого дерматита, изучение уровня встречаемости по сезонам года, особенностей течения и клинических признаков, экономического ущерба, эффективности фармакотерапевтических средств при патологии называемой язва Мортелларо.

